Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 104 (4502).
11 МАЙ 1981 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ 2000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

Ўзбекистон пойтахтида шонли сана — Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига кенг қўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Тошкентликлар ушбу юбилейни юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш билан кутиб олишга қарор қилганлар, шаҳарнинг барча районларида янги турар жой массивлари ва магистраллар пайдо бўлади, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг қўламдаги ишлар бажарилади.

«Тошкент оқшоми» газетасининг саҳифаларида ана шу байрамга тайёргарликнинг бориши кенг ёритиб борилади.

Тематик саҳифалар ва подборкаларда шаҳар районларининг меҳнатчилари пойтахтимиз ва бутун республика ҳаётидаги ана шу муҳим воқеага қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида, Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш бўйича шаҳар хўжалигининг барча соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган социал-иқтисодий ўзгартиришлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкентнинг барча районларида олиб борилаётган шаҳарсозлик ва ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар туркуми Куйбишев районига бағишланган тематик саҳифа билан очилади. Ушбу материаллар бугун газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинган.

КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН ШАҲАР

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг раиси У. У. УМАРОВ билан «Тошкент оқшоми» мухбирининг суҳбати.

— Учқун Умарович! Тошкент ўзига хос такрорланмас қиёфага эга бўлган шаҳар, уни гўзал сўзлар билан сифатлашади. Уни дўстлик ва қардошлик шаҳри, меҳнатсевар шаҳар, мардлик шаҳри, боғ-роғлар шаҳри деб аташади. Унинг яна бир сифати — «қадимий шаҳар»лиги моҳиятини очиб берсангиз.

— Шаҳарлар ҳам худди одамлар сингари ўзига хос такрорланмас қиёфага, ўз қалби, характери, ўз ҳаётига эга бўлади. Лекин шундай шаҳарлар ҳам борки, уларнинг кўп асрлик тарихи бутун-бутун халқ ва давлатларнинг ривожини ўзида мужассам этади. Жуда кўплаб авлодлар босиб ўтган йўлни ўз тарихининг саҳифаларида акс эттиради. Бизнинг Тошкентимиз ҳам Шарқдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Археологик қазилмалар, олим ва мутахассисларнинг кўп йиллик ишлари бугунги кунда Тошкент 20 асрдан бўён мавжуд эканлигини тўла далиллар асосида тасдиқлаб берди. Эрамиздан олдинги биринчи асрдаёқ бу ерга аҳоли жойлашгандан буён шаҳар ривожланишнинг узоқ ва қийин йўлларини босиб ўтди. У бир неча бор ҳужумларга дучор бўлди. Икки цивилизация — маҳаллий аҳоли ва кўчманчи қабилалар цивилизацияси ўртасидаги муҳим снёсий ва хўжалик майдонида ҳокимиятни қўлга киритишга интилган Ўрта Осиё хонликлари уни талон-тарож қилдилар. Ўрта Осиёнинг Осиё ва Шарқий Европа халқлари билан халқаро савдо йўлида Тошкентнинг муҳим пункт сифатидаги аҳамиятигина шаҳарни ана шу тарихий беқарор вазиятларда асраб қолди.

Тошкент XIX аср ўрталарига келиб, Россия — Ўрта Осиёнинг асосий савдо маркази бўлиб қолди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши ўлка, шу жумладан Тошкент ҳаёти учун прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ўлкада, энг аввало Тошкентда саноат ва капиталистик муносабатлар ривожланиши туфайли миллий буржуазия билан бир қаторда Россия пролетариатининг таркибий қисми бўлган маҳаллий ишчилар синфи таркиб топади. Каспий бўйи, Оренбург темирйўл қурилишлари бутун Туркистондаги сингари Тошкент учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Тошкент Туркистон ўлкасининг харбий-маъмурий марказидан Ўрта Осиёдаги энг йирик транспорт, савдо ва маданият марказига айланди.

Россияга қўшилгандан сўнг «Янги Тошкент» деган сўз пайдо бўлди. Шаҳар бошқарув органлари бутун эътиборни «янги» шаҳарни ободонлаштиришга қаратдилар. «Эски» шаҳарга эса шунчалик кам маблағ ажратишдики, унинг қиёфасида феодал давридаги нообод шаҳар хусусиятлари сақланиб қолди.

Тошкентнинг прогрессив интеллигенцияси рус чоризмининг снёсатига қарши туб аҳоли ўртасида оқартув ишлари олиб борди, рус революционер-демократлари ва ёзувчиларининг эзгу ғояларини пропаганда қилди. Тошкентда демократик ва социалистик ғояларнинг тарқалишида снёсий сургун қилинганлар катта роль ўйнади. Масалан, 1878 йилда бу ерга Карл Маркс ва Н. Чернишевскийнинг дўсти Герман Лопатин сургун қилинган. Шаҳримиз кўчаларидан бири унинг номи билан аталмоқда. Снёсий сургун қилинганлар туб аҳолининг прогрессив вакиллари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг рус ва жаҳон демократик маданияти ютуқлари билан танишишларига ёрдам беришади. Тошкент Ўрта Осиёнинг ҳақиқий революцион ҳаракат маркази бўлиб қолади.

— Шарқда социализм машъали — бу ҳам шаҳримизга хос яна бир ёрқин хусусият-да.

— Ҳа, Тошкент пролетариати Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Аврораннинг афсонавий садоларига «лаббай» деб жавоб берди. Икки кундан сўнг тошкентлик ишчиларнинг қуролли қўзғолони бошланди, ҳокимиятни Советлар қўлига узил-кесил олиб бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб социалистик революциянинг ғолибона зафаридан дарак берди.

Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг бутун Ўрта Осиё, шу жумладан Тошкентнинг тараққиётида янги давр бошланди. Бутун республика билан биргаликда Ўзбекистон пойтахти ўсди ва чирой очиб борди. Шаҳар республика ва мамлакат экономикаси, маданияти ривожи билан узвий боғлиқ ҳолда қурилди ва ривожланди. Ленинча миллий снёсат принципларининг изчил амалга оширилиши Ўзбекистон ССР экономикаси ва маданиятининг мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнашига олиб келди. Партиямиз, социализм эришган, халқларнинг социалистик дўстлиги туфайли қўлга киритган энг катта муваффақиятлардан бири шу бўлдики, эски Россия вақтига хос бўлган одатдаги қолоқ миллий ўлка тушунчаси бутунлай барҳам топди. Улуғ Ватан урушигача Тошкент қудратли машинасозлик, металлни қайта ишлаш ва енгил саноат шаҳри бўлиб қолган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлиги остида Тошкент партия ташкилоти мунтазам суратда шаҳар ҳаётининг ҳамма томонларига конкрет раҳбарликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Унинг раҳбарлиги остида тошкентликлар дастлабки беш йиллик планларини шараф билан бажардилар. Улуғ Ватан уруши йилларида душман устидан ғалаба қозониш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўшанда Тошкент душман устидан ғалабага ҳисса қўшган асосий базалардан бири бўлиб қолди. Ўнлаб завод ва фабрикалар бизнинг шаҳримизга кўчириб келтирилди. Тошкентга мамлакат энг қимматлиси — фарзандларини ишонib топширди. Эвакуация қилинган 50 минг ўғил ва қиз учун Ўзбекистон ота ва она, суюкли оила бўлди. Ўшанда Тошкентга хос яна бир хислат ёрқин кўринди: дўст ва қардош бўлиш! Дўстлик ва қардошлик шаҳрида ҳозир 100 дан зиёд миллат вакиллари яшамоқда.

Биз 1966 йилнинг январь кунларини яхши эслаймиз. Ўшанда Ҳиндистон Бош министри Лаъл Баҳодир Шастри ва Покистон президенти Муҳаммад Аюбхон думалоқ стол атрофига ўтириб, машҳур Тошкент декларациясини имзолашди. Бу — икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий низога чек қўйди. Ўшанда, бундан сал олдинроқ Осиё ва Африка ёзувчиларининг учрашуви чоғида биз Тошкентни тинчлик шаҳри деб атадик.

Шаҳар йилдан-йилга ўсди. Тошкент ҳаритасида янги йирик массивлар, янги кўчалар пайдо бўляпти. 1966 йил бошига келиб, Тошкент аҳолиси сони бир миллион 250 минг кишига етди. Унинг территорияси 18 минг гектарни ташкил этди. Турар жой фонди 6,9 миллион квадрат метрни ташкил этди. 26 апрель зилзиласи шаҳарга катта зарар етказди. Умуман олганда, 2 миллион 860 минг квадрат метр майдондаги турар жойлар, яъни 95 минг квартира зарар кўрди. Шундан 1 миллион 20 минг квадрат метр турар жой қаттиқ зарар кўрган эди.

— Ана ўша даврда Тошкент яна бир ажойиб сифатлаш олди. Мардлик шаҳри деб аталди. Табиий офат олдида аҳолининг ваҳимага тушмай қатъий тургани учун шундай ном олди. Шаҳар аҳолиси ўз меҳнатсеварлиги, жислиги, ғайратини табиий офатга қарши қўйди-да...

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ахир, тошкентликлар ўшанда ёлғиз қолишмади. Партия иродаси, бутун совет халқининг ёрдами билан Тошкент қисқа муддат ичида вайронадан қад кўтарибгина қолмай, Улуғ Ватанимизнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланди. Инженер-техник коммуникациялар тармоғи бутунлай янгидан ўрнатилди, магистрал кўчалар қиёфаси ўзгарди. Шаҳар маркази ва унинг турар жой массивлари қиёфаси беқиёс даражада ўзгариб кетди. Ҳозирги Тошкентни замонавий архитектура ансамбллари, ноёб маъмурий ва маданий-маиший биноолар, обод турар жой комплекслари, кенг кўча ва проспектлар безаб турибди. Тошкентнинг мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлиб қолганидан 1975 йилда тошкентлик бир группа архитектор ва қурувчиларга архитектура соҳасида СССР Давлат мукофоти берилгани ёрқин далолат бериб турибди.

Ҳозирги Тошкент интернационализм ва халқлар дўстлиги ленинча принципларини изчил амалга оширишнинг намунасидир. Бугунги кунда шаҳримиз икки миллион кишига яқин аҳолиси эга бўлиб, Москва, Ленинград, Киевдан кейин аҳолисининг сони жиҳатидан Совет Иттифоқида тўртинчи ўринда туради. 60 йил ичида Тошкент аҳолиси деярли саккиз марта қўпайди. У йирик индустриал шаҳардир. Саноатнинг 70 дан зиёд тармоғига эга. Унинг корхоналари бутун республика саноати ишлаб чиқаётган маҳсулотларнинг 21 процентини тайёрлаяпти.

Тошкент чигит экиш сеялкалари, кўсак чувиш ва пахта тозалаш агрегатлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда биринчи ўринда туради. Бу ерда пахта териш машиналари ва тракторлар, экскаватор ва самолётлар, мураккаб электрон дастгоҳлари ва турли хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаряпти. Ўнлаб чет эл мамлакатларида «Тошкентда тайёрланган» маркали маҳсулотларни яхши билишади. Тошкент экономикасининг ривожланиш миқёслари ҳақида қуйидаги факт яққол далолат бериб турибди.

Экономика ривожланиши билан бир қаторда маданий қурилиш соҳасида ҳам жуда катта муваффақиятларга эришиляпти. Совет ҳокимияти йилларида Тошкент Ўрта Осиёнинг йирик фан ва маданият марказига айланди. Агар революциягача Тошкент аҳолиси асосан саводсиз бўлган бўлса, социалистик ўзгариш йилларида эса илмий кадрлар тайёрлаш бўйича мамлакатнинг энг йирик марказларидан бирига айланди.

— Учқун Умарович, ҳозир Тошкентда шаҳримизнинг икки минг йиллиги шонли санасини байрам қилишга тайёргарлик бўйича жуда катта ишлар олиб бориляпти. Шу муносабат билан қандай тадбирлар белгиланган? Тошкент қиёфаси юбилей нишонланадиган 1983 йилнинг сентябрь ойигача қандай ўзгаради?

— Тошкентнинг икки минг йиллиги байрам қилиниши Ўзбекистон пойтахти ва бутун республикамиз ижтимоий-снёсий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. СССР халқлари бузилмас дўстлигининг байрамига, КПСС ва Совет давлати ленинча миллий снёсатининг тантанасига айланади. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилишнинг актуал масалалари бўйича кўрсатма ва тавсияларини, иқтисодий ва социал ривожлантириш режаларини бажаришда, ватанпарварлик ва интернационал тарбияни кучайтиришда Тошкент меҳнаткашларининг снёсий ва меҳнат активлигини янада ошириш мақсадида юбилейга тайёргарлик ишларидан кенг фойдаланилади. Ўз миқёси жиҳатидан жуда катта бу ишни координация қилувчи ва йўналтирувчи, Ўзбекистон пойтахтининг шонли юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий комитети тузилди. Тошкентнинг икки минг йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш билан боғлиқ ташкилий ва идеологик тадбирлар КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг Тошкент коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш борасида қўйган вазифаларини ҳал этиш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Пойтахтнинг меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақа янада кенг кулоч ёйди. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалиги корхоналари, медицина ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар ишлари яхшиланади. Катта миқёсда капитал қурилиш ишлари олиб борилади. «Ўзбексельмаш» бирлашмаси, химия-фармацевтика заводи, трактор заводи, «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, тўқимачилик комбинати ва Тошкентнинг бошқа корхоналаридаги ишлаб чиқариш корпуслари каби йирик объектлар қурилиши ниҳоясига етади. Катта ҳажмдаги блокли уйсозлик заводи, керамзит қуми ишлаб чиқариш заводи ишга тушади.

Тошкентнинг эски магистрал йўлларини реконструкция қилиш ва янги магистрал йўлларни қуриш бўйича анчагина ишлар қилинади. Масалан, Навоий кўчасини ободонлаштириш ниҳоясига етади. Бу ерда барча вақтинчалик савдо иншоотлари олиб ташланади. Богдан Хмельницкий кўчасидан шаҳарга қириб келиш жойи тугал архитектура қиёфасига эга бўлади. Манжара кўчасидан Новий путь кўчасигача Куйбишев шоссесининг ташқи чиройи яхшиланади, Уйғур, Улуғбек, Турсунқулов, Бобир кўчалари реконструкция қилинади, Пушкин кўчаси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектининг кесишган жойида янги йўл ўтказгич, Хадра майдонида транспорт туннели барпо этилади. Пушкин кўчаси остида, Бош универсал магазини ёнидаги Охунбобоев майдонида, Энгельс кўчаси билан Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектининг кесишган жойида йўловчилар учун ер ости ўтиш йўллари қурилади.

Тошкентни янги монументлар, ҳайкаллар композицияси безайди. Ҳадқлар дўстлиги майдонида мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини шарафловчи монумент қад кўтаради. Ўзбекистон кўчаси билан Тарас Шевченко кўчаси кесишган жойида улуғ кўбузчига ёдгорлик ўрнатилади. Кўкалдош мадрасаси майдонида очиқ жойда архитектура-этнографик музей барпо этилади. «Шайхантоҳур» қадимий меъморлик ёдгорликлари ансамбли реконструкция қилинади.

Қилинадиган ишлар кўп. Кўчалар ва турар жой массивлари кўкаламзорлаштирилади, истироҳат боғлари, хиёбонлар, майдонлар, корхоналар, саноат зоналарининг территориялари ободонлаштирилади, магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, вокзаллар, аэропорт, касалхоналар, поликлиникалар, кинотеатрлар, музейлар ремонт қилинади ва реконструкция этилади...

Шаҳар ўз юбилейини янада ёшариб, чароғон чеҳра билан кутиб олади. Ҳар бир тошкентлик, ўз жонажон шаҳрини севган ҳар бир киши бу умумхалқ ишида актив қатнашиши лозим.

Суҳбатни А. ТЮРИКОВ олиб борди.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИГА

Улуғ Ватан урушининг жангларида халқ бахт-саодати учун, ер юзида тинчлик ўрнатиш учун ўз қонини тўккан, жонини фидо қилган кишилардан замондошларнинг ва авлодларнинг миннатдорчилиги чексиздир. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи генерал-майор Собир Раҳимов хотираси халқларнинг қалбида абадий барҳаёт кишиларнинг биридир.

С. Раҳимов ёшликдан қўлига қурол олиб ўзини армия хизматига бағишлади. Ўзбек йигити босмачи тўдаларга қарши жангларда кўрсатган жасорати учун ўзининг биринчи ордени — Қизил Юлдуз орденига сазовор бўлди. Тинч кунларда у ғалаба қозониш санъатини астойдил ўқиб ўрганди, ёшларни Ватанни ҳимоя қилишга ўргатди. Гитлерчи галаларга қарши уруш йилларида С. Раҳимов қўмондонлигидаги жангчилар Шимолий Кавказ тоғларида босқинчиларга қарши жанг қилиб, душманни улоқтириб ташладилар ва Ғарб томон олга боравердилар. Генерал ўзининг гвардиячиларини Балтика соҳилларигача бошлаб борди. Тўртта жанговар Қизил Байроқ ордени, иккинчи даража Суворов ордени, медаллар саркарданинг кўкрагини муносиб равишда безади. Аммо у порлоқ ғалаба кунини кутиб олишга муяссар бўлмади. С. Раҳимов қардош Польшадаги порт шаҳар Гданьскни озод қилиш учун олиб борилган жангда жароҳатланиб ҳалок бўлди.

Эндиликда Ватан уруши қаҳрамонининг хотираси бронза билан мармарда абвдийлаштирилди. Ўзбекистон пойтахтида, Собир Раҳимов номи билан аталган район марказида унга ҳайкал ўрнатилди. Ғалаба куни арафасида 8 май куни ҳайкални тантанали очиш маросими бўлди.

Тошкентдаги Собир Раҳимов райони ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари, шаҳар атрофидаги хўжаликларнинг деҳқонлари, Совет Армияси жангчилари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, пойтахт меҳмонлари шу воқеага бағишланган митингга келдилар.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнлари янгирайди. Ҳайкал устидаги оппоқ чойшаб туширилади ва йиғилганлар кўз ўнгида генерал Раҳимовнинг салобатли қиёфаси намоён бўлади. Ҳайкалтарошлардан А. А. Раҳматуллаев ва С. Х. Бабаян, архитектор Л. Т. Адамов монумент авторларидир.

Митингда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, С. Раҳимов қўмондонлик қилган 37-гвардиячи ўқчи дивизиянинг ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач В. С. Соатов, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Ленин ордени кавалери В. И. Тарантарова, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг студенти, Ленин стипендиати И. Шигина, туркистончи жангчи, жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси М. Зокиров, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари З. Н. Абдураҳимов социалистик Ватан ҳоздилиги ва мустақиллиги учун жангларда халок бўлган қаҳрамонларнинг порлоқ хотираси барҳаётдир, улуғ Ленин ишига астойдил хизмат қилиш барча совет кишилари учун ҳамиша ёрқин намуна бўлиб хизмат қилади, уларни севикли Ватанимиз шон-шуҳрати йўлидаги янги жасоратларга чорлайди, деб таъкидладилар. Сўзга чиққан кишилар шонли жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ эканликлари тўғрисида, советлар мамлакатининг бойлиги ва қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида баён этилган кўрсатмаларни муносиб равишда амалга оширишга азму қарор берганликлари ҳақида гапирдилар.

Ҳайкал пойига гуллар қўйилди. Гулларни КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов қўйдилар.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: генерал Собир Раҳимовга ўрнатилган ҳайкал.
М. Нуриддинов фотоси.

БУГУН

Стоматологлар анжумани

Тошкентда стоматологларнинг VII Бутуниттифоқ съезди ўз ишини бошлади.

Унинг йиғилишлари ва тўрт секцияда олиб бориладиган машғулотларида КПСС XXVI съездининг қарорлари асосида стоматологияни янада такомиллаштириш, илмий изланишларни ривожлантиришнинг истиқболлари, аҳолига ортопедик хизмат кўрсатиш, юз ва жағ жароҳатларини даволаш, турли касалликларнинг олдини олишга бағишланган юздан зиёд доклад тингланади.

Бутуниттифоқ анжумани, Тошкентда ўтаётганлигининг мантиқи бор. Ўтган беш йилликда республикада аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатиш анча яхшиланди. Фақат ўтган тўрт йил давомида стоматологик поликлиникаларнинг сони 67 тадан 120 тага етди. Мактаб, олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва ташкилотларда ҳозир икки мингдан зиёд тиш даволаш кабинетлари ишлаб турибди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, саноат корхоналарида стоматологик хизмат кўрсатиш бўйича Ўзбекистон иттифоқдош республикалар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Тошкентдаги 1, 4, 5, Тошкент области, шунингдек Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларидаги стоматологик поликлиникалар аҳолига хизмат кўрсатишда яхши натижаларга эришмоқда.

Республикада кадрлар малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Ҳар йили Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти ва Тошкент Давлат медицина институтининг кафедраларида 300 дан зиёд врач-стоматолог ўз малакасини оширянти.

Ун биринчи беш йиллиқда республикада 20 дан зиёд поликлиника очилади. ТошМИнинг тиш даволаш факультетига қабул қилинадиган студентлар кўпаяди. Бу нарса республикамизда стоматологияни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Стоматологларнинг Бутуниттифоқ илмий жамияти томонидан ташкил қилинган съезд қатнашчилари ўзаро тажриба алмашадилар, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида стоматологияни янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олишади.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Шаҳримизнинг Октябрь районида олтмишдан ортиқ маҳалла бор. Литвинов номли маҳалла аҳли бўлар орасида актив ҳисобланади. Ҳар бир шонли санани бу ерда тантанали нишонлаш анъана бўлиб қолган. Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 36 йиллигига бағишлаб ўтказилган авлодлар учрашувига тўрт авлод вакиллари йиғилишди. Булар орасида маҳалла истиқомат қилиб турган Улуғ Ватан урушининг етмишдан ортиқ ветеранлари бор.

Тантанали маросимни очган маҳалла комитети раиси Б. Мирахмедов Октябрь район партия комитети, район ижроия комитети, маҳалла аҳли вакиллари номидан ветеранларни табриклайди. Шундан кейин Улуғ Ватан уруши ветеранлари — медицина фанлари докторлари О. Шокиров, С. Аъзамхўжаев, пенсионер И. Мироненко, КПСС XXVI съезди делегати, кўн-мўйна заводи ишчиси С. Зияева, М. Рустамовлар уруш хотиралари, Буюк Ғалабадан сўнгги беш йилликларда тинч яратувчилик меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

ПРАВДА саҳифаларида

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 10 май куни Киевдан Москвага қайтиб келди. Киевда ўртоқ Л. И. Брежнев «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши тарихи Украина Давлат музейи»ёдгорлик комплексининг очилишига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

● «Министрлик партия комитети» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Навбатдаги «Ҳамдўстлик», «80-йиллар дунёси» саҳифалари мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари эълон қилинган.

ВЕТЕРАНЛАР ҚАЛБИ ҚАРИМАС

Тошкент трактор заводининг бир группа комсомоллари Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига бағишланган альбом тайёрладилар. Альбомда ўз ҳаётини тракторозлар коллективи билан боғлаган собиқ фронтчилар тўғрисида ҳикоя қилувчи 200 га яқин фотосурат бор.

Альбомнинг биринчи саҳифаларида ишчи Абдували Турдибоевнинг расмига кўзингиз тушади. У жангларда Европанинг ярмини босиб ўтди, Ғалабадан кейин яна жонажон заводига қайтди ва мана 35 йилдан кўпроқ вақтдан бери механика цехида меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш тажрибасини сахийлик билан ёшларга ўргатмоқда. Турдибоев шавкатли меҳнати учун, Октябрь революцияси орденига сазовор бўлди.

Турдибоев расми билан ёнма-ён 18-Армиянинг собиқ снёсий ходими, жанговар хизматлари учун саккизта орден билан мукофотланган Григорий Зайснойнинг расми турибди. Григорий Тихонович 1943 йилнинг баҳорида тилларда достон бўлган Кичик ерда жанг қилди ва сўнгра Берлингача борди. Ҳозирги вақтда собиқ жангчи заводнинг техника контроли бўлимида меҳнат қилиб, ишлаб чиқарилаётган машина механизмларининг пишиқлигини оширишга актив кўмаклашмоқда.

Альбомга расми қўйилган трактор заводида ишлаётган собиқ фронтчилар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада актив иштирок этмоқдалар, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар.

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

9 май куни Тошкент отчопарида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 36 йиллигига бағишланган физкультура байрами бўлиб ўтди. Ватанни немис-фашист босқинчиларидан ҳимоя қилган уруш ветеранлари минбарларидаги фахрли ўринларда ўтиришибди.

Отчопар чиройли қилиб безатилган. Алвон транспарантларда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, совет халқи Улуғ Ватан урушида кўрсатган мислсиз жасоратни шарафловчи сўзлар ёзилган.

Байрам бошланиши олдидан митинг ўтказилди. Митингни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди.

Митингда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант Г. Ф. Кривошеев, «Ташсельмаш» заводининг пайвандчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мўйдинов, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, XXII Олимпиада ўйинларининг чемпиони Э. Шагаев коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг улуғвор ишлари тўғрисида, КПСС тарихий XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини актив амалга ошираётган, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган Ўзбекистон меҳнаткашларининг фидокорона бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирдилар.

Сўнгра физкультурачиларнинг, армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият спортчиларининг, жангчи спортчиларнинг марш-паради бўлиб ўтди. Совет спортининг шонли анъаналарини ривожлантириш шарафига сазовор бўлган кишилар минбарлар олдидан ўтдилар.

Параддан кейин республикадаги энг кучли спортчиларнинг намунали чиқишлари бошланди. Улар спорт ва бадиий гимнастикада, кураш, бокс, акробатикада ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Шундан кейин отчопар майдонида чавандозлар пайдо бўлдилар. Улар чавандозлик олий мактаби намунали ўйинларида, пойгаларда, отда бир айланиб келиш беллашувларида қатнашдилар. Улар Тинчлик соврини, қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград совринлари учун куч синашдилар. «Тенглашув», «Қиз қувмоқ», халқ «от-спорт» ўйинларининг қатнашчилари, мотоциклларда, енгил автомобилларда ўтказилган пойгаларда беллашган ДОСААФ спортчилари куч, эпчиллик, ғалабага бўлган иродани намойиш қилдилар.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. Н. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов марказий минбардан жой олдилар.

(ЎзТАГ).

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ ЮКСАЛМОҚДА ВА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Куйбишев райони шаҳримиздаги кекса районлардан бири ҳисобланади. 1926 йилнинг 16 февралида ташкил этилган бу район олдинига Биринчи май деб юритилди. 1929 йилга келиб Пролетар, 1935 йилга келиб эса партия ва ҳукуматимизнинг таниқли арбоби Валериан Владимирович Куйбишев номи билан атала бошланди.

Районнинг майдони — 3354 гектарни ташкил этади, аҳолиси 259 минг киши. Умумий турар жой фонди эса 2.365 минг квадрат метрдан иборат.

Бу ерда 28 та саноат корхоналари жойлашган. Улар ичида «Средазкабель» бирлашмаси ва «Узбекхлопкомаш» заводи каби йирик саноат корхоналари билан биргаликда трактор, лак-бўёқ, экскаватор заводлари жойлашган.

Шаҳримиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 19,5 проценти ана шу районда ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса 20 дан ортиқ чет элларга экспорт қилинади.

14 та қурилиш-монтаж ташкилоти, 5 та автотранспорт корхонаси, 24 та илмий-текшириш институти, 8 та конструкторлик ва лойиҳалаш бюролари жойлашган.



АРХИТЕКТУРА КЎРГАЗМАЛАРИ

Ҳозирча бу йирик иншоот фақат лойиҳаларда акс этган. Бир неча йиллар ўтиши билан ана шу кўркам бинолар Куйбишев райони ҳуснига янада ҳусн қўшади. Бинонинг лойиҳаси «Ташгипрогор» институти устахонасида тайёрланган.

Пушкин кўчаси қаршисида эса яқин келажакда музикали комедия театри (юқоридаги сурат) биноси қад кўтаради.

Б. Гуляков фотоси.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

- ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА
- РАЙОН КАРТАСИДА ЯНГИ КЎЧАЛАР ВА КВАРТАЛЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ
- «ОБОДОНЛАШТИРИШ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ», —ДЕЙИШМОҚДА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МЕҲНАТЧИЛАРИ
- МЕЪМОРЛАР УСТАХОНАСИДА

Куйбишев райони —Ўзбекистон пойтахтининг йирик саноат, илмий ва маданий районларидан биридир. У шаҳардаги энг чиройлик ва ободонлашган район бўлиб, йил сайин янада чирой очиб, юксалмоқда. Тошкентнинг икки мингинчи йилигача у қандай бўлади? Бу шонли санага қандай тайёргарлик боряпти? Район партия комитетининг биринчи секретари Б. Қ. АЛИЕВдан ана шу саволларимизга жавоб беришни илтимос қилдик.

— Районимиз меҳнаткашлари Тошкентнинг икки мингинчи йилини нишонлаш тўғрисидаги хабарни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Барча коллективларда тарихий санани муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг тус олди. Юбилейга тайёргарлик ишлари дастлабки кундан бошлабоқ аниқ мақсадга қаратилган ҳолда изчил олиб бориляпти. У КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш шиори остида ўтади.

Корхоналарда, ташкилотларда беш йилликнинг уч йили учун оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Уларда иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини анча яхшилаш кўзда тутилган. 1983 йил охирига бориб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 28 процент ошади.

Район корхоналарида кенг миқёсда реконструкция ишларини олиб бориш мўлжалланяпти. Агар ўнинчи беш йилликда бунинг учун 370 миллион сўм ажратилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда эса 500 миллион сўм ажратилади. Масалан, трактор заводида 1983 йилда йирик қуюв корпусининг биринчи навбати ишга тушади.

Умуман, район бўйича Тошкентнинг икки мингинчи йилигача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5 — 1,8 марта ошириш мўлжалланяпти. Давлат Сифат белгиси билан буюмлар тайёрлаш 30 процентга етади. Барча белгиланган марралар аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Уларни амалга оширишда коммунистлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари муҳим роль ўйнайдилар.

— Бурхон Қосимович, районда қурилиш ишлари қандай бориши ҳақида билишни истардик.

— Энг аввало, турар жой қурилиши тез суръатларда олиб борилади. Лоақал биргина мисолни келтириб ўтаман. Агар ўнинчи беш йилликда 730 минг квадрат метр турар жой қурилган бўлса, бу беш йилликда 870 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилади. Шундай қилиб, КПСС XXVI съездининг ҳар бир совет оиласини шинам турар жой билан таъминлашни кўзда тутган қарорларини амалга ошириш борасида олдинга яна бир қадам ташланади.

Тошкент юбилейигача районда ярим миллион квадрат метр турар жой қуришга қарор қилинди. Бу уйлар замонавий лойиҳалар асосида қурилади.

1983 йилга бориб, районнинг бош магистраллари қиёфаси ўзгаради. Айниқса Пушкин кўчасида кўп иш қилинади. Унинг бошланишидаёқ Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ёнида рангли-музикали фонтан барпо этилади. Уч залли кинотеатр, туристлар уйи қад кўтаради. Ҳозирги «Главпочтамт» биноси ўрнида 16 қаватли турар жой биноси қад кўтаради.

Ҳамид Олимжон майдони шаҳарнинг чиройини янада очиб юборади. Бу ерда хизмат кўрсатиш комплекси, болалар боғчаси билан бирга тўртта кўп қаватли уй қад кўтаради. Москваликлар қуриб берган турар жой микрорайонини намунали микрорайонга айлантиришга аҳд қилинди. Бу ерда катта миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Болалар майдончалари, сув ҳавзалари барпо этилди.

Буларнинг ҳаммаси 1983 йилгача районда олиб бориладиган ишларнинг бир қисми, холос.

— Тошкентнинг икки мингинчи йилига ҳозирлик кўриш тадбирларида ободонлаштириш масалалари ҳам катта ўрин тутади, чамаси?

— Ҳа, шубҳасиз, районимизда янги магистраллар, кичик хиёбонлар, гулзорлар, марзалар барпо этилади. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектини ниҳоясига етказиш, унинг Пушкин кўчаси билан кесишган жойида шаҳардаги энг йирик транспорт халқаси бунёд этиш вазифаси турибди. Ф. Хўжаев кўчаси Луначарский шоссесига туташади. Трактор заводи атрофида эса кичик халқа йўли бўлади. Мўлжалимизда Генерал Петров кўчасини реконструкция қилиш ҳам кўзда тутиляпти.

Район чиройини очишда барча коллективлар салмоқли ҳисса қўшадилар. 54 та участка ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида ободонлаштириш ишларини олиб боради. Бу участкаларга корхона, ташкилот ва ўқув юртлари коллективлари оталиқ қиладилар.

Кўрдингизми, Тошкентнинг икки мингинчи йилига тайёргарлик серқирра, кўп нарсаларни қамраб олган.

Унинг асосий мақсади— районни янада гўзал, обод қилиш, совет кишилари турмуши ва меҳнати учун янада қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.

Суҳбатни **А. ҲАТАМОВ** олиб борди.

«Ташгипрогор» устахонасидан репортаж

Пушкин кўчаси шундай бўлади

Бу шаҳардаги энг кекса кўчалардан бири. Унда XX аср бошларида қурилган уйлар ҳам ҳамон сақланиб қолган. Бироқ йил сайин улар янги биноларга жой бўшатиб беряпти.



Пушкин кўчаси бизнинг тушунчамизда унчалик катта эмас — унинг узунлиги уч километр, кенглиги 52 метр. Шунга қарамай ҳозирги ўтказилаётган реконструкция натижасида унинг кўрки йўқолмайди, балки магистрал янада гўзал ва чиройли бўлади. Ҳозирнинг ўзида Куйбишев районидаги энг яхши кўча ҳисобланади. Яқин йилларда у сезиларли даражада ўзгаради. Бугун биз уларнинг айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз. «Ташгипрогор» институтининг бешинчи устахонасида кўчани қайта қуриш бўйича тайёрланган чизмада магистрални ривожлантиришнинг, шаҳарсозлик архитектура-композиция қурилишининг асосий йўналишлари белгиланган. Лойиҳада шаҳар муҳити проблемаларига алоҳида эътибор берилган, кичик архитектура формалари, ҳайкалтарошлик композицияларини тайёрлаш бўйича тавсиялар берилган.

Сиз пастдаги суратда Пушкин кўчасининг бошланишини кўриб турибсиз. Тошкентнинг икки минг йиллиги юбилейигача бу жой шундай кўринишга эга бўлади. Ўзбекистон меҳмонхонасининг орқа томонида шаҳарнинг ям-яшил жойларидан бири пайдо бўлади. Бу ерда болалар ўйин майдончалари, фавворалар, кичик архитектура формаларини қуриш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда районда яна бир дам олиш жойи пайдо бўлади.

Лойиҳачилар Пушкин майдонини ана шундай (юқоридаги сурат) тасаввур этишяпти. Кўча бўйлаб кўп қаватли бинолар, маиший хизмат корхоналари қад кўтаради, яшил ниҳоллар кўпаяди.

1983 йилга бориб Пушкин кўчаси қиёфаси ўзгаради. Дастлаб бу ерда Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги билан ёнма-ён ноёб фонтан бунёд этилади, уч залли кинотеатр, Туризм уйи, савдо ва маиший хизмат объектлари бунёд этилади. Главпочтамт биноси ўрнида 16 этажли турар-жой биноси қурилади.

Пушкин кўчаси — транспорт артерияси билан гавжум. У шаҳарни «Роҳат», «Бахт» дам олиш зоналари билан боғлайди. Шунингдек, Чимён тоғларига ҳам шу ердан йўл олинади. Буни ҳисобга олиб бу ерга метрополитен линияси келтирилди.

Биз бугун «Ташгипрогор» институти коллективи режалаштирган айрим янгиликлар ҳақида ҳикоя қилдик холос. Шаҳарни икки минг йиллиги юбилейигача қайта қуриш бўйича янги лойиҳаларни тайёрлаш ишлари ҳозир қизғин бажариляпти.

В. НИКОЛАЕВ,
«Ташгипрогор» институти лойиҳалар бош архитектори.
Автор чизмалари.

Меҳнат коллективларининг

хайрли ишлари

Олдинда — янги марралар

Кольчугин кабель заводи ташвишли 1941 йилда Подмосковьедан Тошкентга кўчирилган эди. Шу даврдан бошлаб корхонамизнинг шонли меҳнат йўли бошланди. Утган даврда у мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бирига айланди. Унинг заминида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Аъло сифат, пишиқлик, замонавийлик—корхонада ҳозирги кунда тайёрланаётган маҳсулотга шундай баҳо бериш мумкин. Ҳар куни 3 мингдан ортиқ истеъмолчи адресига, шу жумладан Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларига кабель жўнатилади.

Коллектив эришган қувончли ютуқлар кам эмас. Биз Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилейини ва «Ташкенткабель» заводининг 40 йиллигини янги меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз. Бирлашмада асосий цехларни техника билан қайта қуроллантириш тез суръатлар билан олиб борилмяпти, ҳозирги ишлаб чиқариш майдонларида энг муҳим буюмларни тайёрлаш кўпайтирилмоқда.

Саккизта янги турдаги буюмларни серияли тайёрлаш ишлаб чиқилади ва ўзлаштирилади, маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлаш уч процентга кўпаяди ва умумий маҳсулотнинг 56 процентини ташкил этади. Техника тараққиётининг иқтисодий самарадорлиги 1983 йилга бориб 9 миллион сўмликдан ортиқ бўлади.

Ўн биринчи беш йилликнинг план-топшириқларини муддатидан олдин бажариш бўйича социалистик мусобақага 550 ишчи қўшилди. «1981 йил плани — «Ташкенткабель заводининг юбилейигача» — завод ветеранлари А. Пиримов, А. Саричева, С. Астанина, В. Ортиқов бирлашма ветеранларига ана шундай чақириқ билан мурожаат этишди.

«Беш йиллик топшириғи —уч йилда» — ана шу шиор остида шаҳар юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёзяпти. Бирлашмани социал ривожлантириш бўйича ҳам кўп иш қилинади. Заводнинг меҳнат шуҳрати музейи барпо этилиши, турар жой посёлкаси ва корхона территориясини ободонлаштирилиши, стадион ва уй-жойлар қурилиши керак. «Гулистон» дам олиш уйидаги жойлар деярли 20 процент кўпаяди. Сирдарё бўйида «Сайхун» дам олиш зонаси иш бошлайди.

О. САМИН,
«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ҚУВВАТ ОРТАДИ

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводи нисбатан ёш корхона ҳисобланади. У республика ҳукуматининг қарори билан 1946 йилда унча катта бўлмаган маҳаллий саноат базасида вужудга келди. Қисқа вақт ичида химия саноатининг замонавий корхонасига айланди ва ҳозирда ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни деярли бир мингга яқин адресга юбормоқда.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланган завод коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажариш, ишлаб чиқаришни бундан буён янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида куч ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳозирги пайтда корхонадаги кўпгина объектлар реконструкция қилинмоқда. Коллективимиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига муносиб совға тайёрлаяпти. 1982 йилнинг охирида лак цехи реконструкция қилиб бўлинади. Цехда чет эл ускуналари комплекси ўрнатилади.

Завод ҳозирги пайтда техника эҳтиёжи учун водопровод суви истеъмол қиладиган йирик корхона ҳисобланади. Жонажон шаҳримизнинг шонли санасига заводда артезиан қудуқдан сув чиқариладиган иншоот қуриб битказилади. Бу, йилига 500 минг куб метрга яқин ичимлик сувни халқ истеъмолига ажратиш имконини беради.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқаришни интенсификация қилиш учун технология жараёнларини такомиллаштиришга, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ана шу мақсадда бошқа корхоналар билан шартнома тузилган. Ҳозирда патрон фильтрлари тайёрлаш, электромагнит толқонлаш, маҳсулотларни қадоқлаш учун жараёнлар, маҳсулотларнинг янги хилларини ишлаб чиқариш юзасидан ишлар амалга оширилмоқда. 1981 йилда янги шинам маиший хизмат кўрсатиш корпуси фойдаланишга топширилади.

Амалга оширилган тадбирларнинг ҳаммаси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошира бориш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради.

И. ПАРИЖЕР,
лак-бўёқ заводининг бош инженери.

Москваликлар билан ҳамкорликда

Янги майдон бунёд этилади

Пушкин кўчаси билан Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти кесишган жойда майдон бунёд этилади. Бу майдон ўзбек совет адабиётининг таниқли арбоби, шоир Ҳамид Олимжон номи билан аталиб, Ўзбекистон пойтахтидаги энг йирик майдонлардан бири бўлади.

Яқинда шаҳримизда москвалик архитекторлар Е. К. Шолохов, Р. Л. Саруханянлар бўлишди. Улар тошкентлик ҳамкасблари билан бирга майдон қурилиши ҳақида маслаҳатлашишди. Чунки москваликлар бу ерда тўртта 16 қаватли турар жой биносини қуришади.

Москва мутахассислари ўз лойиҳаларида бизнинг сейсмик зонамизни ҳам ҳисобга олишган. Бу уйлар ер қимирлашига жуда бардошлилиги билан бирга, ўзининг кўркамлиги билан майдон ҳуснига яна ҳусн бағишлайди. Бинони пардозлашда янги қурилиш материалларидан фойдаланилади.

Бу уйларда аҳолининг яшаши учун барча қулайликлар яратилади. Москваликлар ана шу уйлар атрофида 320 ўринли болалар боғчасини қуриб беришади. Кичкинтойлар хизматида ҳар хил ўйинлар учун мўлжалланган майдончалар билан бирга бассейн бўлади. «Ташгипрогор» мутахассисларининг лойиҳалари асосида эса икки қаватли савдо комплекси бунёд этилади. Ана шу комплексда ёшлар учун ҳар хил кийим-кечаклар, бадиий буюмлар, «Спорт ва туризм», «Сиёсий китоблар» ва шаҳар марказий омонат кассаси жойлашади.

Ҳамид Олимжон ҳайкали эса майдоннинг кўркига янада кўрк қўшади. Унинг жанубий-шарқ томонида эса НИИСтройпроекти и н г ҳашаматли биноси қурилади. Замонавий материаллардан қуриладиган бу бино ҳам майдон чиройига чирой қўшади.

Тракторсозлар ишлари ва режалари

Келажакка ҳозирдан асос соламиз

Бугунги кунда бизнинг корхонамиз истиқболга эришяпти, дейиш мумкин. Бу истиқбол йўллари КПСС XXVI съезди томонидан белгилаб берилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда пахтачиликка мослаштирилган трактор ҳамда пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ишлаб чиқарадиган ягона завод ҳисобланган корхонамиз коллективи олдида аниқ ва равшан вазифалар турибди. Бу вазифалар — ишлаб чиқаришни зудлик билан бирмунча такомиллашган машиналар ишлаб чиқаришга ўтказишдан иборатдир.

Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган прицеплар ўрнини кўп юк элитувчи ва пневмотормозли системада ишлайдиган прицеплар эгаллайди ҳамда кам қувватли тракторлар ўрнига МТЗ—80Х маркали энергия билан таъминланган тракторлар ишлаб чиқарилади. Айтгандай, бундай машиналардан ҳозирда кўзда тутилгандек 8 минг ўрнига, йилига 35 мингтаданга етказиб ишлаб чиқариш вазифаси қўйилмоқда. Олдимизда турган ана шу вазифаларнинг катта қисми Тошкентнинг 2000 йиллигигача амалга оширилади.

Корхона қувватини оширишда келгусида заводнинг энг йирик бўлинмаларидан бири бўладиган қуюв цехи асосий база бўлиб қолади. Вақтлар ўтиши билан трактор заводи территориясида йилига 100 минг тонна қуйма ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган индустрия гиганти вужудга келади. Комплексда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қуйма ва штамповкаларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

Тошкент трактор заводи территориясида олиб борилаётган ишлар миқёсини қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. Ўн биринчи беш йилликда 270 миллион сўмлик капитал маблағни, жумладан қурилиш-монтаж ишларида 115 миллион сўм маблағни ўзлаштириши керак. Бу, ўнинчи беш йилликда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажмидан 4 баравардан ҳам зиёд кўпдир.

Ишлар миқёсининг кенглиги ва муддати қисқалиги ҳар бир участкада самарадорликни ошириш имкониятларини қидириб топишга ундамоқда. Меҳнат коллективининг унумли ишлаши учун шароит яратиш муваффақиятларимиз гарови ҳисобланади. Чунки планлаштирилган ҳамма техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлашга ана шу коллектив ҳозирдир. Республикамизда энг йирик ҳисобланган корхонани ҳар бир меҳнаткаш масъулият ҳиссини тўла ҳис этгани, умум ишига жон куйдиргани тақдирдагина барпо этиш мумкин.

Биз ҳам мамнуният билан айта оламизки, бундай кишилар корхонамизда кўплаб топилади. Булар — меҳнатга ҳақиқатда ҳам коммунистик муносабатда бўлаётган, ўз корхонасининг ватанпарвари, ўз касбининг устаси ҳисобланган кишилардир.

КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ордени кавалери созловчи Муҳаммаджон Туропов, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегати токарь Лира Дубининалар ҳақида кўплаб илиқ сўзлар айтиш мумкин. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириғини 3,5 йилда бажариш ташаббусини айнан шулар бошлаб беришди. Илғорлар ташаббуси завод партия комитети томонидан маъқулланди ва ҳамма тракторсозлар томонидан қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда ана шу ташаббусга ишлаб чиқариш бригадаларидан 25 таси қўшилди. 600 га яқин ишчилар меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

Оширилган мажбуриятлар қабул қилинибгина қолмай, шу билан бирга муваффақиятли адо этилмоқда. Айрим ишчилар ва бусбутун коллективларнинг зарбдорона меҳнатлари ана шундан гувоҳлик бермоқда. Булар орасида 26-механика-йиғув цехининг бригада бошлиғи Анатолий Юхненко, бош конвейер бригада бошлиғи Александр Шпинев ва бошқалар бор. Улар кундалик топшириқлари ва мажбуриятларини ошириб адо этишга муваффақ бўлишмоқда. Шунингдек, Евгений Веригин, Мутаджин Норматов, Алимжон Маҳмадалиев, Сергей Егоровлар бошлиқ бригадалар ҳам коммунистчасига, қалб қўрини тўкиб меҳнат қилмоқдалар.

Шуниси қувончлики, кадрлар қўнимсизлиги сезиларли даражада камайди, заводга кўплаб ёшлар ишга келишмоқда, тракторсозларнинг меҳнат унумдорлиги тобора ортиб бораяпти. Маҳсулотимизга бўлган талаб тобора ортмоқда, уларнинг сифати тўғрисида қувончли хатлар келиб турибди. Ишнинг бундай олиб борилаётганлиги эртанги кунга ишонч билан боқишга, КПСС XXVI съезди томонидан заводимиз коллективи олдига қўйилган вазифалар муваффақиятли бажарилишига асос бўла олади.

И. МУСИН,
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг директори.

Янада қулай бўлади

Массив файзи

Районда турар жой қурилиши ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда. Трактор заводи, Қорасув массивлари, Луначарский шоссесининг жануб томонида эса Измайлов ва Пушкин — Пишпек каби янги микрорайонлар вужудга келмоқда. Районда беш йилликда қуриладиган турар жой бинолари ҳажми 2 миллион сўмга ошади.

Яқин йилларда трактор заводи массиви янада кўркамлашади. «Ташгипрогор» институти коллективи лойиҳаси асосида бу ерда замонавий кўп қаватли турар жой бинолари қад кўтаради. Ана шу чиройли бинолар атрофида эса маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси бунёд этилади. Бу ерда савдо шохобчалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, умумий овқатланиш корхоналари билан биргаликда мактаблар, болалар боғчалари, спорт ва бошқа ўйинлар учун мўлжалланган майдончалар барпо қилинади.

СУРАТДА: трактор заводи массивида қуриладиган объектларнинг макети.

Б. Гулаяков фотоси.

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Уманский Владлен Давидович—Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-инструментальшиги.

Усмонова Ҳури Хонгелдиевна — Тошкент тўқимачилик комбинати саралаш машиналари оператори.

Файзиева Мавлуда Ҳамидовна — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Ховайло Александра Семёновна —Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Ҳусанов Эҳром — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Шокиров Абдулазиз Абдураҳмонович— Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

Шокирова Санобар — Тошкент экспериментал фурнитур-пластмасса заводи ишчиси.

Шамова Раиса Тихоновна — Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Шамшиматова Гулсун — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Шукуров Абдукарим — Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

Эргашев Исроил Қўчқорович— Тошкентдаги чинни заводи қолипловчиси.

Эргашева Валентина Васильевна —Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси.

Яховский Афанасий Прокофьевич — Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Рашид —Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Абдураззоқов Самад — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси муқоваловчиси.

Аванеса Виктория Георгиевна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол комитети секретари.

Амелехина Галина Ми-

(ОХИРИ. Бош газетанинг ўтган сонларида).

хайловна — Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси бичиқчиси.

Адҳамова Шоира Акрамовна — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Охунжонова Розалия Павловна — Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг етакчи экономисти.

Баратова Назира Тўраевна— Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Борсуков Владимир Николаевич — «Союзлегпромпусконаладок» трести Ўрта Осиё ишга тушириш ва созлаш бошқармасининг слесарь-ремонтчиси.

Бекбулатов Муҳаммад Абдуллоевич— Тошкент тўқимачилик комбинати бўлим бошлиғи.

Бугрова Тамара Ивановна —Тошкент тўқимачилик комбинати оператори.

Бухорбоева Фарида Кабировна —Тошкентдаги «Ташигрушка» фабрикасининг катта мастери.

Валиев Шамиль Шарифович—Тошкент область халқ контроли комитетининг инспектори.

Гаркина Зоя Илларионовна —Тошкент тўқимачилик комбинатининг комплектловчиси.

Гройсман Борис Фроимович —Тошкент чинни заводи газ пайвандчиси.

Дементьев Михаил Алексеевич —Тошкент тўқимачилик комбинатининг токари.

Жамолов Мирсобит Фаёзович — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг етакчи инженери.

Жуманова Ҳадича Рафиқовна — Тошкентдаги кўнмўйна заводи тикувчиси.

Зокирова Мақбула Зокировна — Тошкент тўқимачилик комбинати оператори.

Замерфрагнд Михаил Исакович — Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Икромова Обида Иноговна—Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Қодиров Рауф — Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси катта диспетчери.

Каменская Александра Михайловна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Қорабоева Мукаррам — Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Каримова Миновар Тўлагановна —Тошкент тўқимачилик комбинати сифат контролёри.

Комаров Борис Иванович — Тошкентдаги экспериментал фурнитур-пластмасса заводи фрезерчиси.

Королёв Юрий Александрович — Тошкент тўқимачилик комбинати слесарь-ремонтчиси.

Лашманова Мария Ивановна —Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Мажидов Убайдулла — Тошкент тўқимачилик комбинати токари.

Маркарьян Рудольф Михайлович — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

Матвеев Владимр Ильич — Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ишчиси.

Мирраҳимшоев Исмоил — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери.

Мирсодиқов Мирусмон — республика пойафзал Моделлер уйи ишчиси.

Момот Татьяна Ефимовна — Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Мўминов Забихилла Маҳкамович —Тошкент чинни заводи ишчиси.

Мухсинов Қурбонали Мирсобитович — Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Ниғмонова Лола Алимовна — Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси.

Низомова Маъсуда Убаевна — Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси.

Нуриддинов Ҳикматулла — Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ишчиси.

Нурмуҳамедова Муқаддам — Тошкентдаги «Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг катта сотувчиси.

Писоцкая Мария Семёновна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Ражабов Зиём —Тошкент тўқимачилик комбинатининг слесарь-ремонтчиси.

Раҳматиллаев Насрулла Исматуллаевич— Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси катта мастери.

Сандусмонов Саидмаҳсум — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Тошкент Марказий ихтисослашган базаси юк ташувчиси.

Семикина Нина Григорьевна —Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси катта экономисти.

Тоирова Дилфуза Маҳкамовна — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Тошхўжаева Дилбар—Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Тўлаганова Александра Фёдоровна — Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Усмонов Самиғ Соатович — Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

Ушакова Татьяна Никитовна —Ўзбекистон тикувчилик саноати бирлашмаси катта инженери.

Ҳакимов Тошпўлат Илҳомович —Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Халаман Галина Прокофьевна —Республика кийим моделлари уйининг катта конструктори.

Ҳамидова Арофат Маҳмудовна — Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Холбоева Дилбар Тўлагановна — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Холдорова Шоҳида Мирқодировна — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюроси сектор мудири.

Чернецкий Иосиф Антонович — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош бухгалтери.

Чураев Пётр Николаевич Ўзбекистон тўқимачилик саноати бирлашмаси бош бухгалтери.

Шокирова Раиса Ибраевна — Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Шарипов Рашид Сайфуллаевич— «Узэнерголегпром» корхонаси газ пайвандчиси.

Шофайзиев Муҳсин — Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарь-ремонтчиси.

Шушакова Клавдия Фёдоровна —Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ўровчиси.

Эгизов Усеин —Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ремонт-қурилиш бошқармаси ғишт терувчиси.

Язнакаев Аксан — Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастер ёрдамчиси.

Ёқубова Гулбўстон Мадуковна — Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористи.

Ёқубова Муборак Маҳмудовна —Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 17 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ДАВЛАТ САВДОСИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Чакана товар оборотини ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

ЎЗБЕКИСТОН ССРдан ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Хожиев Рашит Мираҳметович— «Ташпромторг» 18-магазинининг катта сотувчиси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акбаров Рихсибой Файзуллаевич— Тошкент марказий универсал магазини секция мудири.

Ананова Александра Григорьевна — Акмал Икромов район ошхоналар трести 3-ошхонасининг ошпази.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Аҳмедов Муҳаммаджон Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Давлат савдо инспекцияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Аҳмедов Назир — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.

Баскакова Александра Ефимовна— Ленин район озиқ-овқат савдоси бўлимининг директори.

Ефимков Владимир Григорьевич— Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг бош бухгалтери.

Исломов Шариат Исломович— республика «Узкультторг» улгуржи базасининг директори.

Қўшоқов Маъмур Исмоилович — Фрунзе район ошхоналар трестининг директори.

Мартинова Зинаида Яковлевна— Ленин район ошхоналар трести 8-ошхонасининг ишлаб чиқариш мудири.

Матковский Иван Семёнович— Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг товарлар сифати бўйича давлат инспекцияси бошқармасининг бош давлат инспектори.

Мираюбова Саида Маҳмудбековна — «Хизмат-беминнат» савдо фирмаси 1-магазинининг мудири.

Собиров Содиқ Собирович — «Гастроном» Ўзбекистон республика идорасининг бошқарувчиси.

Тожибоев Хусан — «Узспортторг» 1-магазинининг катта сотувчиси.

Ҳасанов Мадаминжон Ҳасанович— Ўзбекистон ССР савдо министри.

Шокирова Солияхон Қаландаровна — «Уздорресторан» трести аэровокзал ресторанининг буфетчиси.

Юнусов Жўра— Фрунзе район ошхоналар трести 10-ошхонасининг ошпази.

Якимова Антонина Александровна — Тошкент марказий универсал магазинининг катта товаршуноси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ананьева Нина Михайловна — Куйбишев район ошхоналар трести 17-ошхонасининг бош ошпази.

Виноградов Владислав Павлович— Ўзбекистон ССР савдо министрининг биринчи ўринбосари.

Горенков Виктор Андреевич— халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Қодирова Раиса Галимовна— «Ташплодоовощ» бирлашмаси бирлашган касаба союз комитетининг раиси.

Мелкумова Эмилия Тиграновна— «Узхозторг» республика улгуржи базасининг директори.

Мирпўлатов Ўткир Мирпўлатович—Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари.

Розиқов Лутфулла Мўҳаммаджонович — Тошкент шаҳар Октябрь район ошхоналар трести 23-ошхонасининг ошпази.

Ёқубхўжаева Машкурахон Жалиловна — «Ташхлебторг» 93-магазинининг мудири.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураимов Турсун— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг группа мудири.

Абдубекова Сатпора Маҳмудбековна— Тошкент Бош универсал магазинининг секция мудири.

Абдуллаев Мухтор Махшарович— «Ташгалантерейторг» 38-магазинининг секция мудири.

Абдурасулов Ғуломназир — халқ депутатлари Акмал Икромов район ижроия комитетининг раиси.

Абдусатторова Тўлғаной — «Узтекстильторг» Тошкент улгуржи базасининг катта товаршуноси.

Аминов Самиғ Неъматович— Тошкент шаҳар Куйбишев район ошхоналар трести тайёрлов фабрикасининг ошпази.

Аширметова Муҳаррам Юсуповна— Тошкент «Болалар дунёси» универсаль магазинининг катта сотувчиси.

Борисова Алиса Михайловна— «Олмос» республика улгуржи-чакана бирлашмаси 25-«Берёзка» магазинининг контролёр-кассири.

Василец Мария Андреевна— Чилонзор район ошхоналар трести 8-ошхонасининг ошпази.

Головкова Валентина Андреевна— Тошкент ресторанлар трести «Чилонзор» ресторани ишлаб чиқариш мудирининг ўринбосари.

Иброҳимов Яҳё — Тошкент Бош универсал магазинининг директори.

Иноғомов Хуршид Ҳасанович— Тошкент Марказий универсал магазинининг директори.

Коваленко Елена Осиповна — Тошкент шаҳар «Узмясомолторг» улгуржи идораси 4-музхонасининг лифтёри.

Концевая Клавдия Васильевна — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи.

Корчагина Раиса Семёновна— Ҳамза район ошхоналар трести 7-ошхонасининг ошпази.

Кострикова Наталья Петровна — «Ташлимводторг» Киров район савдо базаси 10-киоскасининг сотувчиси.

Кузьмичев Вадим Васильевич — СССР Савдо министрлиги Бутуниттифоқ «Союзторгоборудование» бирлашмаси Ўзбекистон республикалараро базасининг бошлиғи.

Кулюшин Дмитрий Васильевич— Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Мансурова Наима Алимовна— «Гастроном» Ўзбекистон республика идораси 27-магазинининг катта сотувчиси.

Мироқилов Пўлат Миршоҳидович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Мирбобоев Абзал Умарович — «Узоптгалантерея» республика улгуржи базасининг бўлим бошлиғи.

Морозова Екатерина Емельяновна — Сергели район озиқ-овқат савдоси бўлими 11-магазинининг сотувчиси.

Муслимов Фатхулла Тешабоевич — Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлими 9-магазинининг мудири.

Насриддинова Азиза — «Чилонзор» савдо марказининг ишчиси.

Неъматов Носиржон — «Уздорресторан» трести аэровокзал ресторанининг ошпази.

Никитина Валентина Михайловна — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Нуриева Галина Арсентьевна — Ҳамза район озиқ-овқат савдоси бўлими 22-магазинининг катта сотувчиси.

Рашидхўжаева Маҳмуда Аҳроловна — Фрунзе район озиқ-овқат савдоси бўлими 10-магазинининг сотувчиси.

(Давоми бор).

Бўстон

Бу бўстон саҳнида
гул кўп, чаман кўп...
Алишер Навоий

ҒАЗАЛ ШАЙДОЛАРИГА

ОШНО ЭТДИНГ МЕНИ

Кўрсатиб аввал ўзингни, ошно этдинг мени,
Ошномас, доим ишққа мубтало этдинг мени.

Бир умр куйингдаман меҳру вафога кўз тутиб,
Не сабабдан, дилбарим, серилтижо этдинг мени!!

На тану на жонда роҳат бор фироқинг ўтида,
Шукр, ошиқлар қаторига раво этдинг мени.

Йўқ бўларкан жисму жон, ишқ шуҳрати мангу экан,
Майли, шайдоликда умрим ҳам адо этдинг мени.

Чекканим меҳнат, машаққат бесамар бўлмас вале,
Юлдузинг тоблаб, яна умри бақо этдинг мени.

Каримжон РАҲИМЗОДА.

ДАВРОНИМГА ТЕНГ

Йўқки даврон ўйласам, бу даври давронимга тенг,
Бахтиёрликдин бошимдур кўкда осмонимга тенг.

Мен бу юртда кўз очиб, кўрдим саодат нурини,
Офтоб бўлгаймикин хуршиди рахшонимга тенг.

Шу улуғ даврим қизиман, эл аро бўлдим азиз,
Бўлмаган тарихда ҳеч он бу улуғ онимга тенг.
Хушнаво булбуллару хандона, сўлмас ғунчалар,
Ер юзида ким кўрибтур бу гулистонимга тенг.
Олам ичра турли инсон бор шарафли, бешараф,
Шундай инсонманки, йўқдир бу шараф-шонимга тенг.
Доҳий Ленин Раҳбарим, бемисл устозим менинг,
Унга меҳрим бирла сидқим қалб ила жонимга тенг.

Раҳбар БАҲРОМОВА.

ОНА ЕР ТАФТИ

ЭТЮД

Баҳор фасли эмасми, ҳаммаёқ ям-яшил. Она ернинг иссиқ нафасидан ором олиб, уйқуга кетган жамики мавжудот ҳаракатга келмоқда.

Тоғдаги лола ҳам ўзининг пинҳон сирини ортиқ яшира олмай, ер бағридан аста-секин депсиниб чиқа бошлади. Бироқ ҳали лабини очиб бир сўз айтишга, ҳаттоки жилмайишга ҳам улгурмаган эдики, бирдан аллақаердан дайдиб келган қоп-қора булутларнинг қаҳрига дуч келди. Ёмғир шунақанги савалаб бердики, унинг аъзойи-бадани парча-парча бўлиб кетадигандек, гўё ўзидан асар ҳам қолмайдигандек туюлди. Йўқ, у ўйлаганчалик бўлмади. Ёмғир кўп ўтмай тинди. Энди у этни жунжиктирувчи совуқ шабададан дир-дир титрай бошлади. Яна умидсизликка тушди. «Наҳот яшашга бўлган умидим чиппакка чиқса», дея ерга томон эгилди, унинг юрагига қулоқ солди. Шунда она замин юраги тўхтовсиз гупиллаб, уни янада юқорига кўтарди, қаддини ростлаб яшашга ундади.

Қадрдон тупроқ тафтидан қувват олган лола қаддини ростлади. Кўзини очиб, қуёшга табассум қилди.

Олима ҚЎЧҚОРОВА.

ЯМ-ЯШИЛ ҚЎШИҚ

Кимнинг қалби ширин-ширин туйғуларга тўлмайди,
Ёмғирдан сўнг яшнаб кетган япроқларни кўрганда.
Шаббодалар қўшиғига кимлар мафтун бўлмайди,
Ким куйламас, атрофида олам куйлаб турганда.
Етти эмас, етмиш минг хил рангда ёниб камалак,
Кимнинг дилин ром этмайди, кимнинг кўзин олмайди.
Қизлар ғайир сочларига гулдан таққанда баргак,
Қайси ошиқ юрагини оташларга солмайди.
Тонгда еллар олиб келган намхуш бўз тупроқ ҳиди,
Оҳанрабо каби тортмас айтинг кимни ўзига.
Мен буларнинг барчасига қиш бўйи интиқ эдим,
Майсаларни бахт белгиси дея сурдим кўзимга.
Энди икки қулоқ бўлиб ўсиб чиққан чигитга,
Бобо деҳқон қўлларига «илоҳий» деб сиғиндим.
Бахтни меҳнат, тер тўкиш деб билган қизу-йигитга
Тикилганча Зарафшондек тўлқинландим, севиндим.
Олислардан қулоғимга чалинди тор садоси,
Жозибадор жарангига қулоқ тутдим симларнинг.
Мен баҳорий яшилликнинг, куй, қўшиқнинг адоси,
Яшил куйим қалбларига тўлқин солар кимларнинг!!

Йўлдош ПАРДАЕВ.

ЎЛКАМДА БАҲОР

Бугун яна ўлкамда баҳор,
Ғунчаларнинг лабида ханда,
Ҳар куртакка айтади алёр,
Қўшиқ янграр қирда, чаманда,

Қўшиқ кирар деҳқон дилига,
Эговланар занг босган кетмон.
Уруғ боғлаб отам белига,
Кетар яна кенг дала томон.

Димоғимда муаттар бир ис —
Нон таъмини туяман такрор.
Кенгликларга ундар ички ҳис,
Қўшиқ ёз, деб қўймайди баҳор:

Бугун яна боғларда баҳор,
Чўққиларда лолалар алвон,
Сенга халқим, сенга минг алёр—
Олисларни кўзлаган карвон....

Аҳмаджон ЛУҚМОНОВ.

Одамлар нима деркин?

Тилсимлар эшигин парчалаб очиб,
Ҳаётда ташладим нурли қадамлар.
Яхшига талпиниб, ёмондан кечиб,
Пойингизда таъзим қилдим одамлар.

Ёнмоқ керак ёнмоқ, дунёга келгач,
Беҳуда ўтмасин бу лазиз дамлар.
Менга ҳамон жумбоқ, паймонам тўлгач,
Нима дейишаркин азиз одамлар!..

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Собир Раҳимов районидаги 28-мактабда ўқувчиларнинг бадиий ҳаваскорлик фаолиятига алоҳида эътибор беriляпти. Бу ерда бир қатор тўгараклар муваффақиятли иш олиб боряпти.

СУРАТДА: мактабнинг музика ва бадиий ҳаваскорлик хори раҳбари С. Умарова республика санъат байрами иштирокчилари С. Алиева ва Н. Омилова билан навбатдаги машғулот пайтида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Шингил ҳикоялар

ТЎЙЛАР

Бурхон ота муродига етди. Ток ишкомлари билан қопланган мўъжазгина ҳовлиси ҳар кунгидан кенгайиб кетгандек. Тўйга келаётган меҳмонларнинг кети узилмайди. Ота узоқ йиллар фарзанд доғида куйиб ниҳоят кексайганда кўрган яккаю-ягона ўғли Қобилжонни уйлантиряпти.

Дастурхондаги нознеъматларнинг хилини санаб адоғига етолмайсиз. Ҳа, бугун кечқурун келин келади. Бурхон отанинг шинам ҳовлисига, бут рўзғорига яна файз киради, барака қўшилади. Бурхон ота ҳовли айланиб меҳмонларга мулозамат кўрсатаркан, беихтиёр ўзининг уйланиш тўйини эслаб кетди.

Юрт бошига оғир кунлар тушган, босмачилар кутурган давр. Омад ҳам, ташвиш ҳам эгиз деганларидек, босмачилар зуғуми етмагандек, уч йил мутгасил юз берган қурғоқчилик эл тинкасини қуритган. Кунига бир маҳал қозон осилган оила ўзига тўқ ҳисобланади. Кишилар кўксидаги алам, қайғу-ҳасрат нечоғлик бўлмасин, ҳаётнинг азалий қонуни одамлар ўртасида ҳукмронлик қилар, қизлар эрга чиқар, йигитлар уйланарди.

Куни кеча Бурхонжоннинг тўйи бўлди. Аммо тўйда ўзига палов тегмади. Юрт катталари, беш-олти оқсоқолнинг оғзи мойланди холос. Гўжа билан зоғора нонга тўйиб қўя қолди. Шунисига ҳам шукур қилди. Яхшики, отаси бор экан, қийналди-сиқталди, енг учида бўлсаям тўй ўтказди.

Келинчак Бурхонжон сингари камбағал оила боласи эди. Қошкиприги қопқорагина. Тўйиб овқат емасликдан бўлса керак, йирик-йирик кўзлари ич-ичига ботиб кетган. Билаклари оппоқ, момиқдек юмшоқ, лекин кафтларига қадоқлар маржон солган. Келин-куёв чимилдиқда ўтиришипти-ю, эшик томон «тиқ» этса нонушта келтиришяптимикин, деб кўзлари олазарак. Буни бир-бировларига сездирмасликка уринишади. Ниҳоят ташқарида ғўзапоянинг чарсиллаб сингани ва тандирда оловнинг гуриллаб ёнаётгани эшитилди.

— Аям зоғора нон ёпаяпти. Сизам тандирда нон ёпишни биласизми?

Келинчакнинг ёноқларига қизиллик югурди.

— Мен жўхори хамирига пиёз арчиб бирга қориб нон ёпишниям, буғдой нони пиширишниям биламан.

Бурхонжоннинг кўзларига ғамгинлик чўкди.

Ҳаял ўтмай, келин-куёв ўтирган уй ичини пиёз қўшиб пиширилган иссиқ зоғора нонинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди тутиб кетди.

Бурхон ота кузда учиб юрган мезондек хаёлида жонланган хотираларни ҳайдамоқчи бўлгандек бошини бир силкитиб олди. Тўкин дастурхон атрофида қизғин суҳбат қуришаётган ширакайф меҳмонлар истиқболига юрди. Барибир бўлмади. Ўз тўйидаги зоғора нонлар ва ҳозирги дастурхондаги тўкин-сочин таомлар бир тарозининг икки палласига қўйилаётгандек кўринаверди кўзига.

Дастурхондаги таомларнинг лоақал ярми ейилсайкин... Киши иззати, тўкин-сочинлик нишонаси, деб қўйилади. Тўйда ўтирганлардан биронтаси қўрқинчли тушдек ортда қолиб кетган ўша оғир кунларни билармикин. Қанийди энди, бир тишлам нон бир замонлар қанчалик азиз бўлиб эъзозланганлигини билишса эди, бунчалик исрофгарчилик қилишмасди.

ҚАЙНОТА

Эркавой уйга куёв йигит Ҳусанжон билан қорама-кора кириб келди. Хотини қанчалик тайинлаганига қарамасдан, барибир анча ушланиб қолди.

Эркавойнинг кўзига Ҳусанжон ўзгариб кетгандек туюлди. Авваллари шўхлигидан маҳалладаги катта-ю кичикнинг жонига тегадиган қопқорагина бола келишган бўз йигит бўпти. Барваста, қуюқ қора қошлари остидаги ақлли кўзлари кишига меҳрибонлик билан боқади, сўзлари ҳам жўяликкина.

Қайнота ва куёвнинг дастлабки учрашувларидаги ҳолатни бошидан кечирган одам билади. Сўзлари дарров қовуша бермайди. Уялиб турган куёвнинг суҳбатга лаппилроқ қўшилиши қийин. Эркавойнинг ўзини айтинг. Назарида куёвдан кўра ўзи минг чандон уялиб турибди. Қайси даврада бўлмасин, суҳбатга жон киргизадиган, ҳар сўзи гулдирос қаҳ-қаҳага сабаб бўладиган Эркавой негадир бугун оғзига тош солгандек.

Меҳмондорчилик ҳам поёнига етди. Куёв ва куёвтўралар ўринлариридан турдилар. Эркавой уларни кузатиб қўйгач, дарвозанинг кунгирадор табақасига суянганича ўйланиб қолди. Ажабо, кечагина кўча чангитиб юрган бола, ҳозиргача йигитлар йиғинида бировга сўз бермайдиган Эркавой бугун қайнота. Ҳа, ҳар куннинг ўтганига қувонасан-у, аммо санокли умр қўрғонингдан бир ғишт қулаганини ўйламайсан. Гўё бу кунлар умринг қўрғони ҳисобига кирмайдигандек. Эркавой ҳам эрта билан ишга бориб, кечқурун қайтиб келиб йиллар ўтаётганини, насиб этса фасллар яна бир айлангач, ўзининг бобо бўлиб қолиши мумкинлигини сезмай қопти.

СОВҒА

Баҳодир биринчи марта маош олди. Кассадан чиқиб дастгоҳи ёнида ишни давом эттирди-ю, аммо хаёли оладиган совғалари билан банд бўлиб қолди.

Смена ҳам тугади. Кўчада салобат билан юриб боряпти. Магазин кўргазмаларига қўйилган нарсаларга одатдагидек фақат қизиқиш билан кўз ташлабгина қўймаяпти, балки совғага арзийдигани борми-йўқми деган фикр билан синчиклаб қараб боряпти... Баҳодир анча нарса харид қилди. Баҳор бошланаётганини ўйлаб дадасига кариялар киядиган оқ яктак, сингиллари Манзура ва Назирага бир-иккита гулдор рўмол, олтинчи синфда ўқийдиган укаси Орифга уч рангда сиёҳ чиқарадиган чиройли шарикли ручка сотиб олди.

Онасига нима олишини билмасдан анча боши қотди. Каттароқ нарса олай деса пулнинг талай қисмини сарфлаб қўйди, дадасининг қўлига олиб борадиган пули ҳам дурустроқ бўлиши керак. Рўмол сотиб олсамикин. Йўқ... Онасининг ҳар хил рўмоллари кўп. Ёки кўйлак харид қилсамикин... Кўйлаги ҳам анчагина. Баҳодир ўйлай-ўйлай охири атир танлади.

Сотиб олган совғаларини шалдироқ халтачага солиб катталардек салмоқли қадам билан уйга кириб борди. Совғаларини бирма-бир эгаларига тарқатиб чиқди. Онасига эса атирни тақдим этди.

Ҳамма хурсанд. Совғани кўриб онанинг рўзғор ташвиши орқасида барвақт ажин тушган чеҳрасини бир дақиқа табассум қоплади. Балки, она бечора шу пайтда сермеҳнат умр йўлида қайтмас бўлиб кетган, ўзига оро бериб атир сепган ёшлик йилларини эслагандир. Ё ўғли ишга кириб ўн беш йилдирки, бир ўринда ётиб қолган отасининг ўрнини эгаллаганлигини, эрининг бир вақтлар кўча тўлдириб ишлаб юрган фароғатли даврлари қайтиб келаётганини хаёлига келтиргандир....

Ҳа, Баҳодир минг қилсаям, ҳали ёш-да! Онасига тақдим этилган совға келинга қайнона туҳфаси бўлиб асралиб турилишини билмайди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

ҲИКМАТГА МОЙИЛ САТРЛАР

⊙ Ўз танасидаги аъзоларини ўзига итоат қилдира олмаган ва уларни тўғри йўлга сола олмаган бош елка учун ортиқча юкдир.

⊙ Олим одам ҳамиша ақл билан иш юритиб, ҳақ сўзни гапиради. Оми одам эса кўрганини қилиб, эшитганини гапиради, холос.

⊙ Вафодорлик ва инсонга садоқат жамики нарсалардан устундир.

⊙ Хато билан жиноят ўртаси бир қадам. Хато қилиб, унга иқрор бўлмасдан яна такрорловчи одам ўз ҳаёти учун ҳам, жамоат учун ҳам хавфлидир.

⊙ Одам эрсанг қилгин одам хизматин,
Хизматинг меваси бўлғай иззатинг.

Баҳром АХРОРОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 «Телестадион». 18.45 «Археология гувоҳлик қилади». Илмий-оммабоп фильм. 19.00 Латвия ССР «Дайле» Давлат рақс ансамблининг концерти. 19.25 «Сиз яратган боғ». 19.55 «Беш йиллик ва коллектив». Ленинград оптика-механика бирлашмасининг янги илмий хулосаларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш соҳасидаги тажрибасидан. 20.25 «Рекорд». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Псков». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.30 СССРда халқаро музикали фестивалнинг якунловчи концерти. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба, 11 май куни Марказий телевидениенинг МТ-III ва МТ-IV программалари трансляция қилинмайди.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Худойберди полвон». Мультфильм.

18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус). 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 19.00 Стоматологларнинг VII Бутуниттифоқ съезди. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Композитор Э. Налбандов қўшиқлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Палиастоми кўли». Телефильм. 21.00 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга. «Чорвачилик— зарбдор фронт». 22.25 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 «Ватангадолар». Бадиий фильм. 1-серия. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Жасур Робин Гуд». 19.00 «Уй ёнида стадион». Турар-жойларда физкультурани ривожлантириш масалалари ҳақида (рус.). 19.30 «Ўқитувчи экрани». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.20 «Шаҳар ва қишлоқ». Ҳужжатли фильм (рус.).

12 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Олга, болакайлар!». 10.50 Болалар учун фильм. «Бухарест» киностудиясининг маҳсулоти (Румыния). 12.10 «Ўсмирлик симфонияси». Ж. Бизе музикасига ёзилган фильм-балет. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Реакторга йўл». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 И. Брамс. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун фа-ма-жор сонатаси. Ижро этадилар: Халқаро конкурс лауреати В. Пономарёв ва Халқаро конкурс дипломанти Г. Ширинская. 16.20 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.20 «Олимпиада иншоотларининг архитектураси».

18.00 Румыния Социалистик республикаси халқ чолғу оркестрининг концерти. 18.30 «Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатилади?». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Кампучия: ўлимдан кейинги ҳаёт». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.25 «Узун кунлар, қисқа ҳафталар...». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Қувноқ йигитлар». 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 Футбол шарҳи.

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Шахмат мактаби». 9.35 ва 10.35 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини тарбиялаш. 10.05 Таълимнинг психологик-педагогик асослари. Муносабат маданияти. 11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.40 ва 12.40 Физика. 10-синф. Физика сенинг касбингда. 12.10 ва 16.35 Уйғониш даврининг санъати. 2-курсатув. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 13.10 Олий математика. 3-курс. Марказий яқинлашиш ва катта сон қонуни. 14.20 Марксча-ленинча этика асослари. Буржуа ахлоқининг инқирози. 15.05 Тайёрлов бўлимларининг тинловчиларига. Математика. Кўпқирралилар. 15.35 В. Гюго. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Уй қурилмоқда». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.40 «Мис тоғ бекаси» Мультфильм. 19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод саҳифалари». Мирмуҳсин. Ёзувчи туғилган куннинг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ва камер оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА. «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.25 «Ватангадолар». Бадиий фильм. 2-серия. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини таъминлаш» (рус.). 19.10 «Минг йиллар оша алоқа». Телефильм. 19.30 Эстетика асослари. «Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятни ривожлантириш». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ўттиз иккитаси ҳам бут». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»). 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика.

13 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Узун кунлар, қисқа ҳафталар...». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.10 А. Хачатурян. СССР халқ артистлари Е. Максимова ва В. Васильев ижросида «Спартак» балетидан адажио. 11.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Халқ депутати». «Қайтиш». 16.05 «Жонажон табиат» 16.30 «Рус тили».

17.00 Румыния Социалистик республикасида хизмат кўрсатган артист Штефан Руха чалади. 17.55 «Горнчилар, қаердасиз?».

18.25 «Бауманликлар». Бауман номли Москва олий техника билим юрти ҳақида телевизион очерк. 18.55 «Пучуқлар». «Книппаси» болалар вокал ансамбли иштирокида телевизион фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун. 20.00 Л. Сидельников. «Фортепьяно ва рус халқ чолғу оркестрлари ижроси учун русча концерт. 20.20 «Узун кунлар, қисқа ҳафталар». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программалари IV Халқаро фестивалининг очилишига бағишланади. 23.45 «Дунё воқеалари». 24.00 Жаҳон велосипед пойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг учинчи программаси.

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Ота-оналар. Сизлар учун». 9. 35 ва 10.35. Жамиятшунослик 10-синф. КПСС — ишчилар синфининг, барча совет халқининг партияси. 10.05 ва 15.35 Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. Меҳнат — шон-шарафдир. 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 М. Сервантес. «Дон Кихот». 6-синф. 12.05 ва 16.55 Уйғониш даврининг санъати. 3-курсатув. 13.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инженерлик графикаси. 1-курс. Проекцион чизмачилик. Кесим, қирқим. Кўринишлар. 14.20 В. Розов драматургияси. 15.05 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Физика. Нурнинг синиш қонуни. 16.05 А. И. Герцен. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин чалади. 21.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар», Дастлабки учрашувлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.00 Футбол буйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— «Пахтакор (Тошкент). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўзбекистонда химия саноатини ривожлантириш». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун «Фонарик» (такрорий). 12.30 Ўзбекистонда химия саноатини ривожлантириш». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Алдаркўса, айиқ ва қуён». Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Еш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.00 «Афғонистон курашмоқда, Афғонистон ғалаба қозонади». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари асосида фанни ривожлантиришнинг актуал проблемалари». СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистондаги сайёр сессияси. 20.30 «Ахборот». 20.50 ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН ССР АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН. «Менинг дугонам Зебо». Фильм-концерт. 21.20 «Пилла — бойлигимиз». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Футбол буйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Пахтакор». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини таъминлаш». 19.10 «Авача қаерда жойлашган». Телефильм. 19.30 Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари — социалистик мусобақа ташаббускорлари. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Эстетика асослари. «Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятни ривожлантириш» (рус.). 20.50 «Одам бошига бало». Алкоголизмнинг зарари ҳақида телефильм.

14 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Узун кунлар, қисқа ҳафталар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.10 «Саҳий ишлар қиргоги». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.35 Молдавия ССР «Жок» Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Чехословакия Компартиясининг 60 йиллигига. «Бугунги Чехословакия». Кинопрограмма. 15.55 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 16.25 Грузия Давлат хор капелласининг концерти. 17.10 Гандбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—Буревестник (Тбилиси). МАСК Универсал спорт залидан олиб кўрсатилади. 17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.25 «Миллионлар ленинча университети». Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланиши ҳақида. Кўрсатувни ТАССнинг сиёсий шарҳловчиси С. Ф. Кулик олиб боради. 19.00 «Солдат эртаги». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Гнесинлар номли музика-педагогика институти педагоглари ва битирувчиларининг концерти. 20.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) — «Карл Цейсс» (ГДР). Дюссельдорфдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида СССР халқ артисти С. В. Образцова кечаси. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Сиз яратган боғ». 9.35 ва 10.30 В. Шекспир. «Гамлет» 9-синф. 10.00 «Сочмалар. Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Испанча сўзлашинг. 11.35 ва 12.35 А. Твардовский. «Василий Тёркин». 7 синф. 12.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Коинотнинг тузилиши ва эволюцияси. 13.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 2-курс. Доимий ўзгарувчи коэффициентли дифференциал тенглама. 14.20 «Вс. Вишневский —коммунист ёзувчи». 15.10 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Математика. Сфера, Шар. Ички ва ташқи чизилган шар. 15.40 «Жиноят». Бадиий фильм. Субтитр билан. 1-серия. 16.55 Ўқитувчи экрани. Умумий биология. 10-синф. Биосфера ва уни муҳофаза қилиш.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Иван Иванович Иван Никифорович билан қандай қилиб жанжаллашиб қолганлиги ҳақида». Бадиий фильм. 20.35 РСФСР халқ артисти Т. Синявская ижросида романслар. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Данка ва Янка». Мультфилм. 21.30 «Время». 22.00 Спорт программаси; Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Қайрат» (Олмаота). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Хоккей бўйича СССР чемпионати МАСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «СССРда сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни қўриқлаш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Диққат, табиат». Телефильм. 12.30 «СССРда сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни қўриқлаш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 Мактаб ўқувчилари учун «Космосга парвоз» (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Пионерларнинг «Дружба» тўрткураши. Енгил атлетика. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. (ёзиб олинган) 18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 19.15 «Темир йўл: хавфли зона» (рус.). 19.30 Ахборот (рус.). 19.45 «Ўзбекистон санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турмуш ва маданият». 22.35 «Қирол ҳомийлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм, 1-серия (рус.). 23.45 Кўрсатувлир программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Кнопка» (рус.). 19.10 Абитуриентлар учун. Она тили. 19.40 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Волга сувенири». Музикали телефильм. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.30 Телевизион новеллалар театри. «Икки новелла».

15 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Типа лақабли чумоли». Мультфильм. 10.15 «Рекорд». Телевизион бидиий фильм. 11.20 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти. 12.25 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Инсон ерда». Кинопрограмма: «Етти марта ўлчаб». «Саҳро қандай бўлиши керак». «Заволжье тупроғидаги янгиликлар». 16.10 «Моҳир қўллар». 16.40 «И. А. Гончаров. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари». 17.25 «Спортчилар синфи».

18.05 «Москва комсомолининг ишлари». 18.35 Москва шаҳар пионерлар саройининг В. С. Локтев номли ашула ва рақс ансамбли концерти. 19.00 «Мамлакат далаларида». Брянск область колхозларида кўкламги дала ишларининг бориши тўғрисида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси симфоник ва эстрада куйлари оркестри ижросида И. Дунаевский қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазиялар. Дирижёр — А. Михайлов. 20.05 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Бетховен— ҳаётининг кунлари». Бадиий фильм «Дефа» (ГДР). 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо» (Москва). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари». 23.45 Жаҳон велосипед пойгаси. ЧССРдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 Рус тили . 9.35 ва 10.35 География. 8-синф. Ўрта Осиё иқтисодий районн. 10.05 ва 15.35 М. Дудин поэзияси. 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 7-синф. XVIII асрнинг охирида илғор қарашдаги кишиларнинг крепостнойлиқ ва самодержавиега қарши кўраши. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Типратикан ва бошқалар ҳақида», «Қоракурт».

Сиртдан ўқиётган студентлар учун

13.05 Олий математика. 1-курс. 14.20 Совет ҳуқуқи. Жиноий жавобгарлик. 15.05 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Физика. Геометрик оптика. Масалалар ечиш. 16.05 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.50 Ўқитувчи экрани. Химия. 1-синф. СССР халқ хўжалигида химия.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Софроницкийни тинглаб». Фильм-концерт. 21.00 Дзю-до бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Раҳм-шафқатга ҳақи йўқ». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Инсон эволюциясининг босқичлари ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Хакассия». Телефильм. 12.30 «Инсон эволюциясининг босқичлари ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар (рус.). 13.30 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тип лақабли чумоли». Мультфильм. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари». 19.00 «Тошкент тароналари». фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга. «Мусобақа— омма ижоди» (рус.). 20.20 «Бахмал этюдлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ижод гулшани». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, шоир А. Орипов олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 «Қирол ҳомийлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. «Осойишталик бўлмайди». Бадиий фильм. 20.00 Янгиликлар 20.20 Абитуриентлар учун. Математика. 21.20 «Ансамбль» операцияси». Музикали телефильм (рус.).

16 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.00 М. Глинка. Катта секстет. 10.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.25 «Халқаро музейлар куни». Кўрсатувни А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейининг директори И. А. Антонов олиб боради. 12.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.30 «Спортлото»нинг 20-тиражи. 12.40 «Сиз бунга қодирсиз». Ихтирочилар конкурси. 13.35 «Советлар ва ҳаёт». 14.05 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти. 14.40 «Жасорат». 15.10 «Дунё воқеалари». 15.25 «Онам мени бахтли қилиб туққан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.40 «Ҳайвонот оламида». 17.40 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.

18.10 Жаҳон ва Европа чемпионлари —СССРнинг хоккей бўйича терма командаси билан Останкинонинг қишлик боғида учрашув. 19.10 Халқаро мавзуларда суҳбат. КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятиннинг чиқиши. 19.55 Вена симфоник оркестри ижросида И. Штрауснинг «Гўзал мовий Дунайда» вальси. Дирижёр — В. Заваллиш (Австрия). 20.05 «Алвасти». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Алвасти». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг давоми. 23.05 «Альпларда қорли карнавал».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.40 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Юлдузларга боқиб», «Қишлоқда рассомлар яшайди». 10.15 «Шахмат мактаби». Бошловчилар синфи. 10.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.15 «Фан оламида». 11.45 «Онамларнинг мактаби». 12.15 «Румыния бўйлаб». Кинопрограмма. 12.45 «Рус тили». Ригадан олиб кўрсатилади. 13.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 13.45 Дзю-до бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 14.30 «Адабий мерос». Михаил Булгаков. 16.05 Украина ССР Давлат симфоник оркестрининг концерти. 17.10 Г. Ибсен. «Росмерсхольм». Телевизион спектакль (Норвегия).

19.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-музика чолғу ансамблининг концерти. 19.30 «Табассум учун миллион». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.45 «Музикали киоск». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Фақат мюзик холлда». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. «Шарқ эртаги». Фильм-балет. 11.55 «Ангренликлар беш йиллик зарбдор вахтасида». 12.25 «Театр учрашувлари». 13.45 «Ота-оналар университети». 14.15 Спорт программаси: 1. Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи. 2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совринлари учун теннис бўйича биринчи Халқаро турнир. 15.15 «Жанговар постда».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Биларжон қандай қилиб ҳаво шарини ўйлаб топди». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Юлдузча». 19.10 «Қалбларда баҳор». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Мультипанорама». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чотқол спектрлари». Телефильм. 21.00 «Янгра, дуторим». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвадор» программаси. Самарқанд область Нурота райони илғор чорвадорларининг тажрибаси. 22.25 «Қирол ҳомийлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 23.25 «Спорт оҳанглари». Телефильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

17 МАЙ— ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.05 «Оптимизм этюдлари». Озарбайжоннинг узоқ умр кўрувчи кишилари хори иштирокида телевизион ҳужжатли фильм. 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.45 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.15 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Музикали киоск». 15.00 В. Сергеев. «Кузнинг мафтункор кунлари». Телевизион спектакль. 16.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.15 «Қалбга яқин қўшиқлар».

18.00 «Халқаро панорама». 18.45 Москва Давлат симфоник оркестрининг концерти. 19.20 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.40 «Камалак». ЧССР халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. 20.10 «Экранда —кинокомедия». «Қути кўтарган қиз». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Спорт программаси: Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. 2 ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Футбол шарҳи. 23.55 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Светловодск — менинг шаҳрим» (Киев). «Тошкентда шундай кўча бор» (Тошкент). 10.30 Ленинград ҳарбий округи духовой оркестрлари чалади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.00 «АБВГДейка». 11.30 «Гагарин диёрида». 12.20 «Дзю-до бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 13.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 14.00 «Баранкин, одам бўл». Мультфильм. 14.20 «Велосипед бўйича жаҳон пойгаси. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 14.50 «Очиқчасига гап». Кўрсатувда КПСС XXVI съездининг делегати. КПСС Марказий комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Затворницкий бошлиқ бригада иштирок этади. 15.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— «Трактор» (Челябинск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

18.45 «Соатлар мамлакатига» Телевизион ҳужжатли фильм. 18.35 «Омега» варианти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 19.45 «Кинопанорама». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Чегери». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти (такрорий). 10.50 «Светофор». 11.00 «Чигирек» Қўғирчоқ фильм. 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Қаҳрамон ҳақида ўйлар». Кинокўрсатув (рус.). 14.15 «Тоғлар чорлайди». Бадиий фильм. 15.35 «Ўзбекистон спорти». (рус.). 16.05 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.50 Телевизион миниатюралар театри. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Қишлоқ хўжалиги: «Тажриба ва проблемалар». Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов сўзи. 22.30 «Эртага —премьера». Кўрсатувни кинорежиссёр У. Назаров олиб боради. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Алмандар** (18.30), 13/V да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/V да **Гулсара,** 13/V да **Тошкентнинг нозанин малнкаси.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 13/V да **Янги программа. КУЛГИ КЕЧАСИ.**

КИНО

11 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЗОҚ, ЯҚИН ОСМОН» — **Восток.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (4—5-сон) — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **К. Ерматов номли** (17, 18, 20, 21.00 да, телефон 24-22-66), **Искра** (17, 20.00 да, телефон 39-14-59).

«ЕНИНГДА ҚОЛИШИМНИ ИСТАСАНГ» — **Ғ. Ғулом номли** (18, 20.00).

12 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«УЗОҚ, ЯҚИН ОСМОН» — **Восток.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (2—3-сон)— **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (4—5-сон) — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00 да, телефон 24-22-66), **Искра** (17, 20.00 да, телефон 39-14-59).

«ЕНИНГДА ҚОЛИШИМНИ ИСТАСАНГ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 13, 18, 20.00).

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ 137-МАКТАБ (Хуршид кўчаси, 122-уй) **13 МАЙ СОАТ 18.00 ДА** **Мактабни битириб кетганлар билан** АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВ КЕЧАСИНИ ЎТКАЗАДИ

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА»НИНГ 1, 2, 4, 5, 8, 9, 11, 15, 16, 18, 19, 23, 24-магазинларида макулатура топшириб олинган абонементлар бўйича

А. ДЮМАНИНГ «45» НОМЛИ КИТОБИ СОТИЛМОҚДА

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идораси.

Тошкент область, Орджоникидзе районидаги кундузги ва сиртқи ўрта мактабнинг Чиноз бўлими томонидан **Пўлатхўжаев Санджамол** номига берилган 150087 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13 МАЙДАН БОШЛАБ

ФАҚАТ 10 КУН

«КУЛГИ КЕЧАСИ»

ПРОГРАММАДА

МОСКВА ЦИРКИНИНГ 10 ТА МАСХАРАБОЗИ ИЖРОСИДА КЛОУНАДАЛАР, РЕПРИЗЛАР, МИНИАТЮРАЛАР, ЮМОР, ИНТЕРМЕДИЯЛАР.

«ТОМОШАБИНЛАРНИНГ БЕГЕМОТДА САЙР ҚИЛИШЛАРИ»

Сценарий автори — ЮРИЙ НИКУЛИН.

Томошалар соат 19.30да, шанба кунлари 16.00 ва 19.30да, якшанба кунлари 13, 16, 19.30да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАМОҚДА.

Касса соат 10дан 20.00гача ишлайди.

44-36-91, 44-35-84 ТЕЛЕФОНЛАРИ БУЙИЧА СПРАВКАЛАР ОЛИШ МУМКИН.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошида очилган 143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА **ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ**

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, чарм-галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер.**

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 8 — 10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ҲАММА ҲУНАРЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ ВА УЛАР 70 СЎМ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. ПРАКТИКАДА ИШЛАГАН ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИНИ ОЛАДИЛАР.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 3 x 4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси»бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: ЙУЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, БУЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, КОНСТРУКТОР-МОНТАЖЧИЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1— 3 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8— 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, форматли кийим ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Билим юрти қошида танланган касблар бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

ЎҚУВЧИЛАР ЁЗГИ КАНИКУЛНИ ЧИМЕНДА ЖОЙЛАШГАН ЛАГЕРДА ЎТКАЗИШЛАРИ МУМКИН.

ЎҚИШ —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни ТОПШИРИШ КЕРАК: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А—4/25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати, 24-автобуснинг «А—4» бекати).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10, адабиёт ва санъат —32-58-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

11 МАЙ, 1981 й. Р—00343. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2119.